

Мавлуда Қаҳҳорова

# ҚАЛБИМ ҚУВОНЧЛАРИ



Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,  
Тошкент — 2010 й.

**ББК 84(5Ў)6**

**Қ35**

**Қаҳҳорова, Мавлуда.**

Қалбим қувончлари: [шеърлар] /  
М. Қаҳҳорова. — Т.: Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,  
2010. -32 б.

Бухоролик қаламкаш Мавлуда Қаҳҳорованинг қўлингиздаги «Қалбим қувончлари» деб номланган илк китоби «тўрт девор орасидан топилган илҳом»лар натижасида яратилган. Қизғин ўй-мушоҳада, гўзал хаёл ва таассуротлардан пайдо бўлган завқ-шавқлар ўз самимияти, ёруғлиги, ҳаётбахшлиги билан эътиборни тортади. Қалбларда ҳайрихоҳлик уйғотади.

ISBN 978-9943-06-304-4

© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти, 2010 й.



## КУЙГАН КҮНГИЛ

Армонлардан уйлар қуриб,  
Ғуссаларни ютдим мен.  
Офтоб кўрмай моҳтобларда  
Висол ойни кутдим мен.

Висол дардин ўйлаб кўп бор,  
Ҳижронларда йиғладим.  
Дарднинг бағрин тика олмай,  
Ўз-ўзимни тифладим.

Бахт водийсин кўп қидирдим,  
Юракка ишқни чизиб,  
Дард бахтимни ўғирлади,  
Қаранг, вужудим кезиб.

Дард, сенга бир илинжим бор,  
Кетсанг ҳамки БАХТ билан,  
Тинч қўйгин энди мени  
Соғлик — олтин тахт билан.

Кўнглим ярим бўлса ҳамки,  
Юрагимдан қонарман.  
Дарёингдан ирмоқ ясаб,  
Томчи бўлиб қоларман.

Кўзимда нур, илкимда куч,  
Забондан қуйдирмагил,  
Қуйдирдинг-ку Мавлудангни,  
Бошқани қуйдирмагил.



Куйган кўнгил кулин кўрма,  
Алангаси етади,  
Бахт бермасанг ҳамки, майли,  
Соғлик бер — шу етади.

\* \* \*

Илҳом кўзи мудом ёшлик,  
Қалбимда у ой-қуёшдек  
Худди юзда кўзу қошдек,  
Айирмагин мени ундан.

Туннинг бағри бўлиб чок-чок,  
Юлдуз учар қўрқиб шу чоқ.  
Ой нурунгни соч ёрқинроқ,  
Айирмагин мени тундан.

Қуёшдан мен нур тилайман,  
Қора кундан ёруғликни.  
Меҳр менинг зўр қўрғоним,  
Айирмагин мени шундан.

\* \* \*

*Устозим Остон Ақобирга*

«Соғинч ранглари»ни варақлаб кунда,  
Ўй-ўйлаб, ўйимда сизни кўраман.  
Боқиб юлдузларнинг қасрига тунда,  
Чақнаган юлдузда сизни кўраман.  
Чўғ эдим тупроқда кўмилиб ётган,  
Ногоҳ шамол бўлиб бағрим ўйдингиз,  
Ўчай-ўчай дея, кул бўлиб кетган,  
Қалбимга оловни ёқиб қўйдингиз.

## ЭҲТИРОС

Дардимиз ҳам дардлардан айро,  
Бир-бирини қувиб борадур,  
Жоним, сенинг сочларинг қаро,  
Менинг эса, кўнглим қародур.  
Маъюс боқар кўзларинг сенинг,  
Лабинг қимтиб сирли боқасан.  
Юзларингда олам яширин,  
Қай денгизда бунча оқасан?  
Келгин, мени кўпам қийнама,  
Тўлқинингда олиб кет мени,  
Шунда балким кўпириб-тошиб,  
Тинч қирғоққа элтардим сени.

## СЕНИ СЕВДИМ

Сени севдим, севолмаслар  
менга қилсинлар ҳавас,  
Юрагимда зўр севгининг  
садолари берар сас.  
Сени севдим, тилларимга  
ин қурмоқда болари,  
Гулинг бўлиб бол берарман  
Сен қалбим ўйган сари.  
Сени севдим, дард тоғлари  
қулаб кетди бошимдан,  
Гўё йиллар ортга қайтиб,  
ёшлик ўтди қошимдан.  
Сени севдим, дилим ёнар  
севгинг боғида қолиб,  
Сенинг берган севгинг майин  
ичаяпман мен қониб.



\* \* \*

Юлдузлар саноқсиз бўлса ҳам, ё раб,  
Кўзни ўйнатгали жодуси бордир.  
Ой яккаш, юраги доғли бўлса ҳам,  
Йўлингни ёритар ёғдуси бордир.  
Юлдуз бўлишни ҳеч истамам, асло,  
Ой бўлиб, йўлингни ёритсам дейман.  
Мендан гарчи узоқ бўлсанг ҳам, кўёш,  
Бошингдан булутни аритсам дейман.

\* \* \*

Қарадингу бир бор, яширдинг кўзинг.  
Кўзларингда кўрдим ўзимни танҳо,  
Тамом сеҳрландим ўшандан буён,  
Оҳ, қандай гўзал у ситамгар нигоҳ.  
Вужудим лол этди мени ушбу ҳол,  
Тасвирни чизолмай титради қалам,  
Шу-шу, қийнаб келар мени бир савол:  
Наҳот, бир қараш-ла ўзгарса олам?!

\* \* \*

Кўнглим хаёлотнинг даштида изғиб,  
Кўзим тубларидан сув олиб чиқар.  
Ортадаги армонли умрдан ўзиб,  
Мен бирла етгинчи осмонда кезар.

\* \* \*

Дединг: севгинг тўла майинг қайдадир,  
Дедим: севгим — шуъла, қара, ойдадир.  
Дединг: кўриб туриб ичолмам, афсус,  
Дедим: қарасанг тушар, севгим сойдадир.



\* \* \*

Нима у — қалбимни кемираётган?  
Нима у — қалбимга бермоқда озор?  
Нима у — вужудим титратаётган?  
Билмайман, билмайман, билмайман.

Ким у — кўнгил уйим азиз меҳмони?  
Ким у — дарди дилим малҳами-жони?  
Ким у — ҳамишалик руҳим забони?  
Ўйлайман, ўйлайман, ўйлайман.

Куйдай эриётир борлигим менинг,  
Тўкилган хазонда армон қўшиғи.  
Не экан, о тангрим, ёзиғим менинг  
Куйлайман, куйлайман, куйлайман.

\* \* \*

Айтдингиз: шоирнинг шеърідан олиб  
Ёздингизми шундай ёниқ мисралар  
Ким, ахир, бировнинг фарзандин олиб,  
Ўзимники дейди, ким у кимсалар?

Шеърларим мурғак бир фарзанд, у менинг  
Жажжи юрагимдан нафас олади.  
Ким, ахир, юрагин, қонин берганни  
Бир ўтдан ўзга бир ўтга салади?

Йўқ, ўғри эмасман, керакмас, ахир,  
Ўзганинг боласи фарзанд бўлолмас  
Менга у фарзандлик қилса ҳам аммо  
Туққанин ўйлайди, кўнгил қўёлмас.



## ГУЛ ИШҚИ

Намозшомгул ноз билан  
Қуёшга кўз қисади.  
Туңда бағрини очиб  
Моҳитобни қучади.  
Майда, келишган бўйи,  
Қирмиз юзин ол этар.  
Шом пайтида кўрганни  
Қувнатиб беҳол этар.  
Бола учун қизиқ гул,  
Қўллариға хинодир.  
Тикилсангиз ёноғидан,  
Кўзларингиз тинодир.  
Икки номли инсонларнинг  
Борлигини биламан,  
Гулнинг номи нечун икки  
Шунга ҳайрон қоламан.  
Нима учун халқ унга  
Ном қўйган гули ҳафранг.  
Кузатмоқчи бўлсангиз гар,  
Намозшом унга қаранг.  
Мен гулимга термулиб  
Қидирдим олти рангни,  
Нега бундай ном олмиш  
Кўрдим биргина рангни?  
Саволимга жавобни  
Олдим ўзим шу гулдан,  
Чин дилдан севганим-чун  
Камалак чиқди гулдан.  
Чин дилдан севолганлар  
Бунинг сирийн билади,  
Оддий тош ҳам гоҳида,





Товланиб кўз олади.  
Гул севганга тилагим —  
Гулга меҳрибон бўлсин.  
Гулнинг ҳидини ҳидлаб  
Бир умр унга тўйсин.  
Шунинг учун севгини  
Ўйнаб, билмангиз эрмак,  
Дарёдан бир кун ажраб  
Фақат кечасиз қўлмак.  
Мавлуданинг сўзини  
Бир бора чин деб билинг.  
Гул севсангиз гулзорда,  
Майли, бир умр қолинг.

### **БАҲОРМИКАН?**

Деҳқон тинмай чошиб елар,  
Офтоб чиқиб, осмон кулар.  
Турфа рангда гуллар унар.  
Шунинг ўзи баҳормикан?

Қалдирғочнинг келгани-ю,  
Чумолининг ризқ тергани,  
Тўлишган гул келинчақдек,  
Дов-дарахтлар баҳормикан?

Қорлар эриб, сойлар оқди,  
Олам офтоб бўлиб боқди.  
Юрагимнинг мунгли куйи,  
Билмам, қайси дилга ёқди.  
Шунинг ўзи баҳормикан,  
баҳормикан!?



\* \* \*

Узун бўлурму шунча  
Узун-узун фироқлар.  
Ҳажрингда кун санадим,  
Бўлди яқин йироқлар

Толим-толим сочларим  
Толбаргақдан бегона.  
Танамга чатилмишдур  
Дард тугунли қуроқлар.

Неча йилки орзумга  
Бериб биргина савол,  
Жавоби офир келди,  
Қатор бўлди сўроқлар.

Менинг орзум қўл билан  
Тутиб бўлмас нур бўлди,  
Тушимда нурун сочмиш  
Орзу деган чироқлар.

Орзу ҳам алдар экан  
Қўллашиб шайтон билан,  
Алдандим шоҳ Дородай  
Ҳам йўл топдим Широқдай.

Эй Мавлуда, бўлдинг сен,  
Мана, орзунг асири,  
Қалбда офир дард бўлди  
Аммо, лекин, бироқлар.



## ТУШ

Тушда кўрдим қоматингни,  
Севиб қолдим, эҳтимол  
Қўл узатдинг, тутдинг қўлим,  
Ҳайрон эдим, бахтдан лол.

Оппоқ либос ҳадыя этдинг —  
«Кийгин, эркама, кия қол,  
Эскисини улоқтир-у,  
Янгисини кийиб ол».

Ўша тушни кўрсам эди  
Ўнгимда ҳам бир бора.  
Сен-ла бахтли бўлиш учун  
Излардим минг бир чора.

Тушда кўрган сарлочиним,  
Мен томонга эт парвоз.  
Тушда эмас, ўнгда келиб  
Дийдорингдан бер овоз.



## ТАБРИК

Бахт тўйи — умрнинг гўзал оқшоми,  
Икки ёш қалбида муқаддас номи,  
Асло ярим бўлмасин севгининг жоми,  
Тўлдириг жомларин, ёр-ёра бўлсин,  
Келин-куёвнинг қалби сайёра бўлсин.

Дўстлар қувонишсин шодлик базмида,  
Муҳаббат гул очсин севги назмида,  
Қўшилиг даврага ёр-ёр измида,  
Дўсту ёр севинчи кўп бора бўлсин,  
Фанимлар юраги садпора бўлсин.

Ўйнанглар-кулинглар, ғамлар арисин,  
Икки дил қўшгани билан қарисин,  
Дилда не ният бор, айтай барисин,  
Бугун Дил Учқундан аланга олсин,  
Тўлмаган нур қалби нурларга тўлсин.

Синглим, ўзга уйга кетасан бу кун,  
Ўз уйинг остонаси хор бўлар шу кун,  
Ҳам ота, ҳам она бўлиб туну кун,  
Отанг фотиҳаси йўлинг оқ қилсин,  
Онанг Олима руҳи сенга ёр бўлсин.

Бувижонинг бугун онадир сенга  
Гулгун жамолинг кўриб қонадир сенга,  
Жигарларинг мўлтираб қоладир сенга,  
Борган хонадонинг шодлик, кулгуга тўлсин,  
Босган ҳар қадамингда гул-чечак унсин.

Бир кам юрагини тўлдириб ишқга,  
Амманг Мавлуда келди сени қутлашга.  
Қодир бўлмаса ҳам хизматга, ишга,  
Бел боғлаб шеър ёзди, тўёна бўлсин,  
Бир умр хизматингда гирёна бўлсин.

### ҚИЗЛАР

Беклик қилмас ҳеч замонда ўзга беклар,  
Ўзбек отли ўз бегингга етмас улар.  
Мард ва жасур Отабекдек ёрни топиб,  
Ақли расо Кумушбика бўлсин қизлар,  
Ойдаи бўлиб, тун бағрида тўлсин қизлар.

Ўртар куйи дилни ўртар бўза билан,  
Гўзал ёри сув келтирар кўза билан  
«Ўша сизми?» — деган ширин сўзи билан.  
Ақли расо Кумушбика бўлсин қизлар,  
Ойдаи бўлиб, тун бағрида тўлсин қизлар.

Қирқ кокилар қайчи билан тил топдиму?  
Рўмол ости нигоҳларин пул ёпдиму?  
Ўзбек қолиб ўзга юртдан бек топдиму?  
Тилло дея Кумушлигин сотган қизлар,  
Тубанликнинг ботқоғига ботган қизлар.

Миллион-миллион пулни қўйинг, келинг, қизлар,  
Алладайин фарзандга куй бўлинг қизлар.  
Ёр кўксида тўлин ойдек тўлинг қизлар.  
Шунда Мавлуд сизга дoston битар, қизлар,  
Рост сўз айтган муродига етар қизлар.



## ЭЙ ЁР

Юрсам, йўлимда йўлдош бўлармикансан, эй ёр?  
Турсам, қўлимга қўлдош бўлармикансан, эй ёр?  
Сенсиз олам қоронғу, ҳар хаски ханжар эрур,  
Дил очгали бир дилдош бўлармикансан, эй ёр?

Ўргимчакнинг тўрига тушган пашшадек жоним,  
Соҳил эмас юрганим гўё саҳро, хоқоним.  
Сароб эмас саҳрода ўтган ҳар битта оним.  
Кўқда ойман, сойда сув бўлармикансан, эй ёр?

Кўролмаслар қидирур тўғридан эгри қилиқ,  
Жаннат узоқ улардан, дўзахда тани ёниқ.  
Ёлғонлардан узоқ бўл, шиор қилгин тўғрилиқ,  
Гулингни гулханида ёнармикансан, эй ёр?

\* \* \*

Куйлатолса юракни, ишқ нози яхшидир,  
Висолни ҳам кўпи эмас, ози яхшидир.  
Кўпни кўнгил кўтаролмас, унутма, асло,  
Ноzi бирла, озию сози яхшидир.

\* \* \*

Аслида, ҳаммаси бир тош дейилур,  
Зумрад, Ёқут, Гавҳар — номи дил тортар.  
Меҳрнинг кўздалиги кўздан билинар,  
Кўзидан нур олиб, меҳринг ҳам ортар.

\* \* \*

Қайда чин бор экан, қайдадур ёлғон,  
Қайда дон бордур, қайдадир сомон  
Кимда дард бўлса, бўлсин у омон.  
Осмон узоқдадур, ер экан қаттиқ,  
Бош омон бўлса, дўппимас тансиқ.

Қайда гуноҳ бордур, қайдадир савоб,  
Қайда сўроқ бордур, бор унга жавоб,  
Кимда иймон бўлса, қилинг сиз тавоф.  
Осмон узоқдадур, ер экан қаттиқ,  
Бош омон бўлса, дўппимас тансиқ.

Баъзи кун шоҳдурман баъзи кун гадо,  
Баъзида моҳдурман, баъзида адо,  
Кўзда севинч, қалбада ғам берар садо.  
Осмон узоқдадур, ер экан қаттиқ,  
Бош омон бўлса, дўппимас тансиқ.

\* \* \*

Шоҳона кийганлар, шаҳоншоҳ бўлмас,  
Элим деб жон берган ўлмайди, ўлмас.  
Жулдур кийим кий-у, бир туп ниҳол эк,  
Мангуға қолади, ҳаётинг сўлмас.

\* \* \*

Ой ботар, тонг отар, менга татимас,  
Кечалар йил гўё бир қуш патимас.  
Гўёки мен бахтли, мен шод, мен қувноқ,  
Ўзимга ўзимдек ҳеч ким ачинмас.



## ҚИСМАТ

Ахтараман неларнидир,  
Тополмайман.  
Орзуларим, ойдирки, мен  
Этак бирлан ёполмайман.  
Одамлардек юргим келар,  
Бу оламда менинг-да,  
Оҳ, ҳаётга лоқайд қараб,  
Ўтолмайман.  
Айланамни ўрамоқда армонларим,  
Бошим олиб ҳеч томонга  
Кетолмайман.  
Тақдир экан тан бер дея,  
Қўп қисташар.  
Ўзлигимдан, умрим борки,  
Кечолмайман.  
Ахтараман неларнидир  
Тополмайман,  
тополмайман,  
тополмайман.

\* \* \*

Қун санадим, келмадинг, кутдим,  
Ўтди ойлар йиллардан ўтдим.  
Ўтиб-ўтиб ўтгиз уч баҳор,  
Боғида мен армонни тутдим.





## ГУЛСАРА ОПАМГА

Қизли уйга бериб нурин,  
Жаннат эшик очармиш.  
Фаришталар бериб қўлин,  
Шайтон уйдан қочармиш.

Нияtlари олтиндай соф,  
Ҳизр бобом кўрган отам.  
Қизли бўлсам уйим нурли —  
Деб хаёллар сурган отам.

Тўрт ўғлондан кейин сизни  
Берганида кўп суюниб,  
Лўлиларга бериб, қайтиб —  
Олибдилар, тез қувониб.

Шамчироғим бўлди қизим,  
Ширин болу ҳам у асал.  
Боғим гули йўқ эди деб,  
Исмингиз бўлди Гуласал.

Отажоним тилаб олган  
Тилакларин гултожисиз.  
Менинг қалбим ўқувчиси,  
Сирли қалбим дилдошисиз.

Юрагингиз туб-тубини  
Ногоҳ кўрдим, опажон.  
Онамдайин меҳрибоним —  
Сиз-ку менга бир жаҳон.



Ўқиш-ёзиш ўргатгансиз,  
Сиздан билим олганман.  
Ҳаёт дарсин сиздан олиб,  
Сизга меҳр қўйганман.

Қани, айтинг, ким сиздайин  
Мени суйиб эркалар?  
Дардлар чексам дармон бўлар,  
Сочларимни сийпалар.

Фамли дилим сирларини  
Сиз-ла баҳам кўраман  
Гуллар ичра сараси — сиз,  
Сизни яхши кўраман.

Тилакларим сизга чексиз,  
Аллоҳ доим ёр бўлсин.  
Меҳри дарё, умр йўлдош  
Топгансиз, у бор бўлсин.

Жиянларим бахтларига  
Чинордайин турунглар.  
Бошларингиз тошдан бўлсин,  
Доим омон бўлинглар.



\* \* \*

Бухоронинг кўчалари келдими тор?  
Пешонангда суйганингни суйгани бор.  
Наҳот, сенга ундан ўзга бўлмасди ёр?  
Сарвар исмин саробларга ёзган синглим,  
Пул сойида бойлик учун сузган синглим.

Зор ушлайсан билмадим деб панжарани,  
Урдинг қалбга пушмонликнинг ханжарини,  
Пул-пул, дея уздинг номус занжирини,  
Сарвар исмин саробларга ёзган синглим,  
Аллоҳ демай, шайтондан ҳам ўзган синглим.

Тезроқ ўтсин дейсан энди бешта баҳор,  
Лек келмайди сендан кетган номус ва ор.  
Бир умрга дўсту ёрга бўласан зор,  
Сарвар исмин саробларга ёзган синглим,  
Ўзлигидан, наҳот, шунча безган синглим.

\* \* \*

Баъзилар умрида чекмас азият,  
Еса, ичса, ётса, шу ўзи лаззат.  
Инсон нафс қондириш учун яшарми, э воҳ?  
Бефарқликда ном қолмас ва топмас иззат.

\* \* \*

Гуноҳни яширсанг, гуноҳ бўлади,  
Савобни оширсанг, савоб бўлади.  
Сўроқ бўлиб турса бир кун гуноҳинг,  
Қилган савобларинг жавоб бўлади.



## **АЁЛЛАР БОР**

Аёллар бор, эсиз аёл, дегинг келади,  
Аёллар бор, эҳ, сиз аёл, дегинг келади,  
Аёллар бор, афсус аёл, дегинг келади,  
Сени бугун дегим келди шўргина аёл,  
Кўзи очик, аммо қалби кўргина аёл.

Аёллар бор, ёрим-борим ҳам ойим дейди,  
Аёллар бор, уйим-жойим ҳам ойим дейди,  
Аёллар бор, ор-номусим, зўр-зорим дейди.  
Сени бугун дегим келди зўргина аёл,  
Қўли очик, қалби очик сенгина, аёл.

Аёллар бор, ёри бўлиб ёр ҳавас қилган,  
Аёллар бор, номуси йўқ ор талаб қилган,  
Аёллар бор, минг ноз ила юз қафас қурган.  
Сени бугун дегим келди шўргина аёл,  
Кўзи очик, аммо қалби кўргина аёл.

Аёллар бор, эркаклардек тоғ урсам дейди,  
Аёллар бор, эркакни ҳам қулатсам дейди,  
Аёллар бор, ўфил уйлаб, қизин узатсам дейди,  
Сени бугун дегим келди зўргина аёл,  
Қўли очик, қалби очик сенгина, аёл.

Аёллар бор, ўзин ўтда ёқиб юради,  
Аёллар бор, юрагингни чақиб туради,  
Аёллар бор, ёлғон-яшиқ ғийбат қилади,  
Сени бугун дегим келди шўргина аёл,  
Кўзи очик, аммо қалби кўргина аёл.



Аёллар бор, эркакни ҳам боқиб туради,  
Аёллар бор, тўлқин бўлиб оқиб туради,  
Аёллар бор, ёш-қарига ёқиб юради.  
Сени бугун дегим келди зўргина аёл,  
Бошинг ҳам тош бўлсин, қора қошгина аёл.

### **ПОКЛИККА ИНТИЛИШ**

Бухородан Қизбибилар, қизлар ўтган,  
Эзгуликнинг изларини излаб ўтган,  
Гўдакларни ҳатто сиз деб, сизлаб ўтган,  
Талпинаман сизга етук сиймоларим,  
Интиламан сизга буюк момоларим.

Биби Махсумайи покдир бирларингиз,  
Бокирасиз юракда йўқ кирларингиз,  
Қудуқларда қолиб кетган сирларингиз.  
Талпинаман сизга етук сиймоларим,  
Интиламан сизга буюк момоларим.

Юлдуз бўлиб, балки учиб кетгандирсиз,  
Бир ёр кўрмай, Ҳақ Эгамга етгандирсиз,  
Биз қақажон қалбларига қайтгандирсиз.  
Талпинаман сизга етук сиймоларим,  
Интиламан сизга буюк момоларим.

Бухоролик қизларжонлар, ой қизлар-эй,  
Шўхликлари ўйнаб оқар сой қизлар-эй,  
Бул сўзимга қулоқ тутинг, ҳой, қизлар-эй,  
Талпинингиз ойдай сулув сиймоларга,  
Интилингиз ойдай сулув момоларга.



## **БЕГУНОҲ МУСИЧА**

*Мусичайи бегуно,  
Болики сандали буро.  
А рўякат муччи кунам,  
А думакат қайчи кунам.  
(Онамнинг шеърлари)*

Бир қуш бор беозор,  
жуда ҳам ювош,  
Фақат ўз меҳнатила  
топиб еяр ош.  
Олақарға эмас,  
олиб қочолмас,  
Чумчуқмас, яширин  
бола очолмас.  
Онам айтадилар, бу  
қуш бегуноҳ,  
Тош отма, гуноҳга  
қолмагин, иллоҳ.  
Не учун гуноҳдир,  
билиб ол шуни:  
Пайғамбар товуғи,  
дейдилар уни.  
Гўштин еса агар  
билиб одамзод,  
Ақлидан бегона  
бўлади бот-бот.  
Халқ унга шеър битган,  
эшитсин олам,  
Ўқисин барча эл,  
дейдилар онам.

Мусича, сен бегуноҳ,  
сандалига кел тезроқ.  
Юзларингдан бир ўпай  
қанотларингдан тутай.  
Пайғамбарим силаган,  
билмам, нелар тилаган.  
Ку-кулаб кел ёнимга,  
уй қургин айвонимга,  
Сени яхши кўраман,  
не сириг бор биламан.  
Оғизчангда хас-ҳашак,  
уйчангга бўлар тўшак.  
Лек режа не билмайсан,  
мустаҳкам уй қурмайсан.  
Қалдирғочдан ўрнак ол,  
уйига сен қойил қол.  
Одамзоддек лой сувар,  
уйи мустаҳкам турар.  
Сен-чи, дуч келган ерни,  
беҳуда тўкиб терни  
Ишлайсан айлаб паноҳ,  
мен хуноб бўламан гоҳ-гоҳ.  
Омонат қуриб уйни,  
бошлайсан кейин тўйни.  
Қарабсизки, жа зап иш,  
инда пайдо жажжи қуш.  
Мана, халқда кўп ҳикмат  
борлигин билиб олдинг.  
Шу фурсатда ўзингни  
қушга қиёслаб қолдинг.  
Ҳа, ҳа! Шу қушдек сен ҳам  
бегуноҳ, беозор бўл.  
Лекин ундек уй қурма,  
қалдирғочдан ўрнак ол!



## **ТУШДА КЕЛГАН ФАРИШТА**

*22 ёшга бевақт оламган кўз юмган ҳамкасбим,  
ҳамшира қиз, очилмай хазон бўлган синглим Сабо-  
ҳат Саломованинг ёрқин хотирасига бағишлайман.*

Қароли қишлоғига гулдек ярашар эдинг,  
Шамс билан, қамар билан ҳусн талашар эдинг,  
Қирқ кокилинг тўлғатиб, оҳудек сакрар эдинг.  
Йигирма икки ёшни олиб кетган синглим-эй,  
Она кўзин ёшларга солиб кетган синглим-эй.

Жоду кўзинг қалбимда ҳамон яшнаб турибди,  
Руҳинг кабутар бўлиб, осмон кезиб юрибди,  
Орзуларинг очилмай, хазондайин сўлибди.  
Йигирма икки ёшни олиб кетган синглим-эй,  
Ота кўзин ёшларга солиб кетган синглим-эй.

Бир кун ухлаб туш кўрдим, бир боғ бор-у, гули йўқ,  
Қизил чўғдек либосинг ёниб турар, кули йўқ,  
Бир қиз турар бошимда, сўзла дейман, тили йўқ.  
Йигирма икки ёшни олиб кетган синглим-эй,  
Менинг ҳам кўзим ёшга солиб кетган  
синглим-эй.

Хотиринг ёд айладим ва ёздим мен хотира,  
Кўринмайин руҳ учар, бу ердан кетмас сира,  
Дўстларинг ҳамон эслаб, сени доим ёд олар,  
Сенинг ёдинг қалбларда абадул-абад қолар.





## ТҮРТЛИКЛАР

\* \* \*

Дейдиларки: муҳаббат — олов,  
Ёлқинига бардош бер, бардош.  
Дейман: ёниб кетмоғим мумкин,  
Мен оловга эгсам агар бош.

\* \* \*

Қочмоқ, қутулмоқ йўқ, кетмоқлик оғир.  
На қилай кулолмам, эзилар бағир.  
Ҳа, шундай ҳаёт бу, тақдири азал,  
Бу дунёга йиғлаб келганман, ахир.

\* \* \*

Ярадор бир оҳу кўзлари ёниб,  
Халоскор инсонга мунгли термулар.  
У эса, бепарво нафсининг бандаси,  
Қониқиш ҳисси-ла суяк кемирар.

\* \* \*

Болалик йилларни қўмсаб хаёлим,  
Соғинч-ла югурар висол боғида.  
Туш десам тушмайди отдан изтироб,  
Пушаймон ёндирар мени доғида.

\* \* \*

Тўлғоғидан нур туғилар қуёшнинг,  
Қуёш бўлиб нур, зиё берсам дейман.  
Минг бир дардга гувоҳ бўлган кўз ёшнинг  
Уммонида ёлғиз ўзим сузсам дейман.



\* \* \*

Муҳаббатнинг кўнгли жуда ҳам нозик,  
Ҳар кимнинг қалбига ҳам йўл топа билмас.  
Йўлига ҳижронлар тузоқ қўйса ҳам,  
Висолдан ўзгасин кўнгилга илмас.

\* \* \*

Юрак — сирли сандиқ, сирларинг бисёр.  
Сола билсанг унга калит деб жоду,  
Кўзинг очиқ бўлиб кўрмайди уни,  
Мисоли қуёшдан тушгандек ёғду.

\* \* \*

Меҳри тилда ёниб севаман дерди.  
Дилда муҳаббати, беваман дерди.  
Айланмади меҳр-муҳаббатга ҳеч,  
Бундай муҳаббатдан ўз вақтида кеч.

\* \* \*

Мен бир қуш тутқин-у, ярадор қушча,  
Учолмасман осмонингда чарх уриб,  
Бир қанот қушчанинг аҳволи аён,  
Фақат юракчаси учар гупуриб.

\* \* \*

Меҳр-муҳаббатга бойдир муҳаббат,  
Умидли дунёда ёрдир муҳаббат.  
Шундай бир чароғон юлдуз эрурки,  
Боқсанг гар нур сочар, сўнмайди абад.



\* \* \*

Гуллар тошга айланмайди,  
Тошни ўйсанг гул бўлар.  
Тош юраклар ёна билмас,  
Юрак ёнса, гул унар.

\* \* \*

Қон қанча айланиб, ўргулса ҳамки,  
Юракнинг йўлидан чиқиб кетолмас.  
Менинг вужудим ҳам шу қондек тутқун,  
Ҳижронга асир-у, висолга етолмас.

\* \* \*

Ўн саккиз ёшимга қайтардинг, жоним,  
Ўн саккиз минг олам эшикларидан  
Икки ўн саккизни қучиб турибман,  
Нур тўла севгининг бешикларидан.

\* \* \*

Одамлар орасида эмасман, инон,  
Тўрт девор орасидан топарман илҳом,  
Тўрт девор орасида ҳам тўртта байт бор,  
Сен уни ўқиш учун тополсанг имкон.

\* \* \*

Қурийди дарахт гоҳ барг чиқаролмай,  
Бундай дарахтлар ҳам баъзида керак.  
Мевадан бош эгган дарахтни кўринг,  
Қуруқ бир чўп унга бўлибди тиргак.



\* \* \*

Синган қалб ҳеч қачон бутун бўлмайди,  
Ўчоқда оловсиз тутун бўлмайди.  
Дарахтни кўрганлар бу — дарахт дейди,  
Йиқилмагунча токи ўтин бўлмайди.

\* \* \*

Анор е, гул юзинг норли бўлади.  
Мард ўлса ҳам, чин сўзи орли бўлади.  
Йигитсан, алп қомат, шердек наслинг бор  
Қара, буюк тоғ доим қорли бўлади.

\* \* \*

Деди: Ҳамма оч ва беномус бўлган,  
Дедим: Бу сўзни айтган ҳам хору хас бўлган.  
Деди: Нечун мени ерга урдинг сен?  
Дедим: Осмон баланд, ер-чи, паст бўлган.

\* \* \*

Саҳар жаннат эшикларин очиб ҳурлар  
Дарвозангдан аста салом берар эмиш,  
Саҳар туриб сув сепилган ҳовлилардан  
Шайтон қочиб, фаришталар келар эмиш.

\* \* \*

Дўстим энди дўст эмасдир, эсиз,  
Мен ҳисга асирман, у эса ҳиссиз.  
Наҳот, ҳавас эмасди, э воҳ, у ҳасад,  
Мен эмас йўқотган, у қолди дўстсиз.



\* \* \*

Пичинг-киноядан недир муддао?  
Сен ўзинг кимдурсан, эмассан даҳо.  
Ўзингни бил, ўзганинг қалбин кирлама,  
Ўзгалар қўйса гар оларсан баҳо.

\* \* \*

Табиат инъоми экан алам ҳам,  
Юрақдан ниш урса, бошдан чиқармиш,  
Оҳ ва нола дардга дармон тополмай,  
Қора соч ранги ҳам шундан оқармиш.

\* \* \*

Шоирга нима керак — ёлғизгина уй,  
Шоирга ким керак — илҳом парирўй.  
Дард деб ёзгани-чи, бўлмаса тўй-тўй,  
Бундай шоир шеърин қумдан излаб қўй.

\* \* \*

Сахрода кўринган сув — сароб дейдилар,  
Омонат қурилган уй — хароб дейдилар.  
Мустаҳкам бир қўрғон қуролсанг агар,  
Кўзинг тўймас унга қараб дейдилар.

\* \* \*

Хазонларни супураман, хазонларни,  
Соғинаман отам айтган азонларни.  
Отамсиз кечган кунларимда азоблар кўп,  
Қандай қилиб супурай мен азобларни?



\* \* \*

- Эркак киши йиғлайди қачон?
- Ватандин айрилиб, хор бўлганида.
- Эркак киши йиғлайди қачон?
- Отаси дийдорига зор бўлганида.

\* \* \*

Етимдир у, ота-она ўлган эмас,  
Гунча қалби ҳали гулга тўлган эмас.  
Фақат дилда бир орзу ва армони бор,  
Бола бўлиб, ҳеч бир дилдан кулган эмас.

\* \* \*

Ота бир ёқ, она бир ёқ овворалар,  
Болалари чўлда қолган гул-лолалар.  
Кечагина бир оила эди, қаранг,  
Бугун бошин чангаллаб, турар гаранг.

\* \* \*

Гулғунча қўлимда маъюс силкинар,  
Титраб у неларни сўзламоқ бўлар?  
Сўзлашга ҳоли йўқ, қувилган боғдан,  
Унга қараб менинг хўрлигим келар.

\* \* \*

Севгимни дилимдан кўчиролмайман,  
Сендан нафратдаман, кечиролмайман.  
Бошқани севсанг ҳам, эй бевафо ёр,  
Севгингни дилимдан ўчиролмайман.



\* \* \*

Қай бир кун тупроққа қўйилса таним,  
Зиёрат қилгин сен хокиу пойимни  
Малол деб билмасанг, осмонга бир боқ,  
Юраги доғ эди-я, дегил, ойимни.

\* \* \*

Уфқ қизариб замин кўксига  
Қўяр экан астагина бош.  
Бир кун ётиб туннинг бағрида  
Ҳордиқ олар ой чиққач, қуёш.

\* \* \*

Кимнингдир бошида кулади осмон,  
Кимнингдир бошида булут парчаси,  
Кимгадир юлдузчалар қилади насиб,  
Кимгадир бегона булар барчаси.

\* \* \*

Иймон эшигидан минг эмас, бир бор  
Қараб қўй, не сир-у, синоат бордир.  
Шохнинг бошида йўқдир кибрнинг тожи,  
Гадога эркинлик, қаноат ёрдир.

\* \* \*

Излаганди сени не-не ажодим,  
Тингламасди сенинг ҳеч ким арз додинг.  
Топди ўзбек, отинг бўлди Мустақил,  
Энди бир-бир ташлайвергин сен одим.

**Мавлуда Қаҳдорова**

# **ҚАЛБИМ ҚУВОНЧЛАРИ**

Муҳаррир *Шукур Қурбон*  
Бадий муҳаррир *Шавкат Жўрабоев*  
Техник муҳаррир *Аслиддин Жўраев*  
Саҳифаловчи *Акмал Жўраев*

Босишга 2010 йил 13 сентябрда рухсат этилди.  
«Балтика уз» гарнитураси. Бичими 84x108.  $\frac{1}{32}$  Ҳажми 2,0  
ш.б.т Адади 500 нусха.  
Бунортма № 272.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33 уй.